

## **ЭЪЛОН**

### **“O’ZSANOATEKSPORT” АЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА**

“O’zsanoateksport” АЖ акциядорларининг 2023 йил якунлари бўйича навбатдаги йиллик йиғилиши 2024 йилнинг 27 июн куни соат “16:00” да Жамият жойлашган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси 107 уйда ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатга олишни бошлаш : 15:30.

Навбатдан ташқари умумий йиғилиш бошланиши: 16:00.

#### **Кун тартиби:**

1. “O’zsanoateksport” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
2. “O’zsanoateksport” АЖ акциядорларини йиллик умумий йиғилишининг санок комиссиясининг сон ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
3. “O’zsanoateksport” АЖ Бошқарув раисининг Жамият 2023 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти, Бизнес-режаси ва самарадорликнинг асосий ва кўшимча кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
4. “O’zsanoateksport” АЖнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича “ТТТ-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини кўриб чиқиш.
5. “O’zsanoateksport” АЖнинг 2023 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
6. “O’zsanoateksport” АЖда 2023 йил учун корпоратив бошқарув тизими баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
7. “O’zsanoateksport” АЖнинг 2023 йил учун соф фойдасини тақсимлаш, дивидентлар миқдори, уларни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
8. “O’zsanoateksport” АЖ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш;
9. “O’zsanoateksport” АЖ Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича Директор вазифасини вақтинчалик юклаш тўғрисида.
10. “O’zsanoateksport” АЖ Бошқарув раиси, Директорлар ва Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаларини кўриб чиқиш;
11. “O’zsanoateksport” АЖнинг 2024 йил учун Бизнес режасини тасдиқлаш.
12. “O’zsanoateksport” Акциядорлик Жамиятининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
13. “O’zsanoateksport” Акциядорлик Жамияти Устав капиталини 75 000 704 389,0 (етмиш беш миллиард етти юз тўрт минг уч юз саксон тўққиз) сўмгача камайтириш тўғрисида;
14. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари сонига ўзгартириш киритиш тўғрисида;
15. “O’zsanoateksport” Акциядорлик Жамияти Уставининг янги тахирини тасдиқлаш тўғрисида
16. “O’zsanoateksport” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларни 2023 йил якунлари бўйича мукофотлаш;
17. “O’zsanoateksport” АЖ ижроия органи аъзоларни 2023 йил якунлари бўйича мукофотлаш.

Акциядорлар реестрини шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилган эмитент органи - “O’zsanoateksport” АЖ Кузатув кенгаши ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар бериш учун акциядорлар реестри тузилган сана - 2024 йил 6 июн.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузилган сана - 2024 йил 25 июн.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида рўйхатдан ўтиш ва унда иштирок этиш учун акциядорларда шахсини тасдиқловчи хужжат (паспорт/ID card), акциядорлар вакилларида эса - ишончнома (жисмоний шахслар учун - нотариал тасдиқланган, юридик шахслар учун - мазкур юридик шахс томонидан берилган) бўлиши керак.

“O‘zsanoateksport” АЖГ Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши материаллари билан танишиш учун Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй, 328 хона манзилига келиб, ёки [info@use.uz](mailto:info@use.uz) электрон почтаси орқали мурожаат қилишингизни мумкин. Тел: (71) 2094848 (1010).

**“O‘zsanoateksport” АЖ Кузатув Кенгаши**